

## Ҳар бир иш Аллоҳнинг хоҳишига мувофиқ бўлади



12:47 / 17 январь 698

Ҳакимул уммат, Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий қуддиса сирруҳ бир улуғ зот билан бўлган воқеани ёзганлар. Бир киши ўша улуғ зотдан: «Ҳазрат! Ҳолингиз қандай? Соғлигингиз яхшими?» деб сўради.

У зот: «Аллоҳга шукр, жуда ҳам яхши!» деб жавоб берди.

Кейин: «Эй биродар! Бутун коинотда бирор иш унинг хоҳишига зид бўлмайдиган кимсадан ҳам, ҳолингиз қандай, деб сўрайсанми?» дедилар. Яъни, «мен шундай одамманки, коинотда бирор иш менинг хоҳишимга зид эмас, ҳамма нарса мен истагандек бўлади, шундай экан, мendan кўра мамнунроқ ва роҳатда яшовчироқ бошқа ким бўлиши мумкин?!» дедилар.

Савол берган одам ҳайрон бўлди. Ахир, бу коинотдаги ҳар бир иш хоҳишига мувофиқ бўлиши ҳатто пайғамбарларга ҳам насиб қилмаган-ку! Кейин: «Қандай қилиб ҳар бир иш хоҳишингизга мувофиқ бўлади?» деб сўради.

Улуғ зот жавоб бердилар: «Мен «мен»лигимни йўқ қилиб юборганман ва хоҳишимни Аллоҳ таолонинг хоҳишига тобеъ қилиб қўйганман. Нима нарса Аллоҳимнинг хоҳиши бўлса, ўша менинг хоҳишимдир. Нима нарса Аллоҳимнинг иродаси бўлса, айти ўша нарса менинг иродамдир. Бу коинотда ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг хоҳиш иродасига мувофиқ бўлади.

Демак, ҳамма иш менинг хоҳишимга кўра бўляпти. Шунинг учун, мен жуда мамнунман ҳамда роҳат-фароғатдаман».

**«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.